

Ўзбекистон Президенти Қозоғистоннинг Биринчи Президенти билан телефон орқали мулоқот қилди



24 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти - Элбоши Нурсултон Назарбоевнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Сўхбат аввалида Элбоши давлатимиз раҳбарини таваллуд куни билан самимий табриклаб, биродар Ўзбекистон халқига тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилади.

Ўзбекистон-Қозоғистон стратегик шериклик ва кенг кўламли ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Устувор йўналишларда қўшма лойиҳа ва дастурларнинг амалга оширилишини давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

Минтақа кун тартиби юзасидан фикр алмашилди.

Манба